

Яшил энергия истеъмол кредити шартномаси

_____ ш.

«___» _____ 20__ й.

Кредитнинг тўлиқ қиймати: йиллик _____ %

Бундан буён шартнома матнида “Банк” деб юритилувчи “**Бизнесни ривожлантириш банки**” АТБ номидан Низом ҳамда Ишончнома асосида иш юритувчи Банкнинг _____ БХО/БХМ бошлиғи/бошқарувчиси _____ бир томондан ҳамда бундан буён матнда “Қарз олувчи” деб юритилувчи “___” _____ йилда _____ томонидан берилган _____ серияли _____ рақамли паспортга эга бўлган фуқаро _____ иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк Қарз олувчига мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кейинги ўринларда—кредит) бериш мажбуриятини, Қарз олувчи эса олинган кредит маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва кредитдан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

2. КРЕДИТ ШАРТЛАРИ

2.1. Кредит суммаси: _____ сўм.

(сўз ва рақам билан ёзилсин)

2.2. Кредитдан фойдаланиш муддати: _____ ой.

2.3. Кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар мазкур шартноманинг 1-иловасига асосан дифференциал ёки аннуитет (кераклисини қолдириш лозим) тўлов усулида тўланади.

2.4. Кредит бўйича йиллик фоиз ставкаси: _____. (Кредитнинг фоиз тўловларнинг 5 фоиз миқдорини 3 йил муддатгача Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси томонидан компенсацияси кўринишида қоплаб берилади. Бунда, Жамғарма томонидан қарз олувчига компенсация ажратилиш рад этилганда ёки бекор қилинган ҳолларда қарз олувчи фоиз тўловларини тўлиқ, яъни 19,5 фоизда ўз ҳисобидан тўлаш мажбуриятини олади.)

2.5. Фоиз ставкаси ўзгармас ёки ўзгарувчи (кераклисини қолдириш лозим).

2.6. Фоизларни тўлаш муддати: ҳар ойнинг _____ санасигача.

2.7. Кредитнинг мақсади ва объекти: истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида сотиб олиш.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

3.1.1. Қарз олувчига мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва шартларда кредит ажратиш.

3.1.2. Ажратилган кредитни ҳисоблаш учун Қарз олувчига ссуда ҳисобварағини очиш.

3.1.3. Қарз олувчини Банк томонидан ажратилган кредитни муддатидан олдин ундириш асослари ва сабаблари ҳақида хабардор қилиш.

3.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда тўлаб бориш, ушбу шартнома шартларини лозим даражада бажариш.

3.2.2. Кредитдан фақат мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланиш.

3.2.3. Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилиқ, қайтаришлиқ, мақсадлилиқ, тўловлилиқ ва таъминланганлик талабларига риоя қилиш.

Коррупцион ҳолатлар бўйича маълумот бериш учун QR кодни сканерланг

Имзо _____

Имзо _____



3.2.4. Банк ходимларига мақсадли (кредитдан мақсадли фойдаланиш) текширишлар ўтказишлари учун рухсат бериш. Мақсадли текширишлар муддати Қарз олувчининг розилигисиз Банк томонидан белгиланади.

3.2.5. Қарз олувчининг иш жойи, яшаш манзили, фамилияси, исми ўзгарганда ёки бошқа ҳолатлар, мазкур шартнома шартларини бажаришга ҳалақит берса, 10 кун муддат ичида Банкни ёзма равишда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиш.

3.2.6. Қарз олувчи қўйидагиларни тасдиқлайди ва қафолатлайди:

а) кредитни расмийлаштириш ва олиш учун Банкка тақдим этилган/этиладиган барча ҳужжат ва маълумотлар, уларни тақдим этиш вақтида ҳақиқий ва ишончилигини;

б) Ушбу шартнома бўйича кредит ўз вақтида тўланмаганда олувчилик муаммога айланганда ва ўз муддатида тўланмаганда, унинг сўндирилиши юзасидан амалий ёрдам сўраб, Қарз олувчининг иш жойи, яшаш жойидаги МФЙ ва яқин қариндошларига Банк томонидан ёзма мурожаат қилинишига ўз розилигини беради ҳамда бу ҳолат банк сирини ошкор қилиш деб ҳисобланмайди;

в) Қарз олувчининг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши, Қарз олувчининг мазкур шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган жавобгарлигини келтириб чиқаради.

3.2.7. Қарз олувчи қўйидагиларни тасдиқлайди ва ўз розилигини беради:

а) Тўлов графиги бўйича тўлов кунидан 1 кун олдин кредит тўлови ҳақида огоҳлантирувчи СМС хабар жўнатилишига;

б) SMS хабар юбориш учун тақдим этилган мобил телефон рақами ўзгарганда ушбу ўзгариш ҳақида банкни хабардор қилиш ва янги мобил телефон рақамини банкка тақдим этиш;

в) Қарз олувчи мобил телефон рақами ўзгарганлиги ҳақида банкни ўз вақтида огоҳлантирмаганлиги сабабли келиб чиқадиган яъни, SMS хабар банкка берилган дастлабки телефон рақамидан янги фойдаланувчига юборилганлиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар учун жавобгар бўлиши мумкинлигини;

г) Мазкур шартнома юзасидан вужудга келадиган муддатида тўланмаган кредит (Пеня, жарималар, юқори фоиз, муддати ўтган фоиз, асосий қарз, кредит қолдиғига ҳисобланган фоиз ва бошқалар)ни қарздорлигини қоплаш учун номига очилган барча **омонат ва пластик картасидан акцепсиз** равишда ечиб олиниши ҳамда маблағлар ҳисобдан чиқарилганлиги бўйича СМС хабарнома юборилишига қарши эмаслигини билдиради;

3.2.8. Қарз олувчини кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни Кредит ахборотининг давлат реестри ва кредит бюросига тақдим этилишига/олинишига ўз розилигини беради, бу ҳолат банк сирини ошкор қилиш деб ҳисобланмайди.

3.3. Банкнинг ҳуқуқлари:

3.3.1. Шартнома амалда бўлган даврда, Қарз олувчининг тўловга лаёқатсизлик ҳолатлари аниқланганда, Қарз олувчи томонидан кредитни қайтариш таъминоти сифатида гаров мулкани тақдим этмаса, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда, шартнома имзолангандан кейин тақдим этилган кредитнинг қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганда ҳамда Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кирганидан сўнг Қарз олувчи томонидан кредитдан 1 ойдан кўп муддат давомида фойдаланилмаганда ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиш.

3.3.2. Кредитлаш жараёнида ажратилган кредитга тегишли бўлган ҳолатларни (кредитдан мақсадли фойдаланиш, кредитнинг таъминланганлиги, кредитга лаёқатлилиги ва бошқалар) таҳлил қилиш.

3.3.3. Кредит маблағи ажратилганидан сўнг, бевосита Қарз олувчи жойлашган ерда мақсадли текширишни амалга ошириш.

3.3.4. Қўйидаги ҳолларда Қарз олувчини бундан буён кредитлашни тўхтатиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин, яъни ундирувчи кредит таъминоти/ Қарз олувчининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари/банк картаси ҳамда бошқа ҳисобварақларида турган пул маблағларига қаратиш орқали ундириш:

а) кредитдан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланганда;



б) Қарз олувчи томонидан мазкур кредит шартномасида белгиланган ҳар қандай тўлов мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда;

в) Қарз олувчи томонидан Банкка кредит ҳужжатлари расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганда;

г) ажратилган кредитнинг қайтарилиши турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган ҳолларда, шунингдек кредит қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда.

Бундай ҳолларда Банк олдиндан 15 кун аввал Қарз олувчини огоҳлантиради, аммо Қарз олувчининг Банк томонидан огоҳлантирилмаганлиги Банкнинг бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин ундиришга бўлган ҳуқуқига ўз таъсирини кўрсатмайди.

3.4. Қарз олувчининг ҳуқуқлари

3.4.1. Кредит маблағлари ажратилгунига қадар, кредит олишдан бепул асосда воз кечиш;

3.4.2. Кредитни муддатидан олдин қайтариш.

3.4.3. Кредит қарзорликлари бўйича Банкдан маълумотлар олиш.

3.4.4. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш.

4. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартномада кўрсатилган шартлар асосида Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан пул ўтказиш йўли билан сотувчига ўтказиб беради.

4.2. Қарз олувчи берилган кредит учун фоизларни Банкка мазкур шартномада белгиланган муддатда ва миқдорда Банк амалга оширган ҳисоб-китоб асосида тўлайди.

4.3. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳар куни Банк томонидан ҳисоблаб борилади.

4.4. Қарз олувчи шартнома шартларига асосан ажратилган кредитни ҳамда у бўйича ҳисобланган фоизларни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳисобидан банк пластик карточкалари орқали ёки нақд пулда амалга оширади.

4.5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 248-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ қарз олувчининг қарзи қуйидаги навбатда қопланади:

- 1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;
- 2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;
- 3) неустойка (жарима, пеня);
- 4) кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари.

Қарз олувчи томонидан кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганда, Банк қарз олувчининг барча ҳисобварағидан керакли суммани унинг топшириғисиз сўзсиз (акцептсиз) тартибда тўлов талабномаси ёки мемориал ордер орқали ҳисобдан чиқаради (ундириб олади).

4.6. Мазкур Шартнома бўйича Банк ўз талабларини қаноатлантириши учун зарур бўлган пул маблағларини Фуқаролик кодексининг 783-моддасига асосан, Қарз олувчининг ҳисобварағида (яъни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, банк картаси ҳамда бошқа ҳисобварағларида ва бошқалар) турган пул маблағларини тўлов талабномаси ёки мемориал ордер орқали сўзсиз тартибда Қарз олувчининг розилиғисиз ечиб олиш орқали кредит Қарзини қоплашга ҳақли.

5. КРЕДИТ ҚАЙТАРИЛИШИНING ТАЪМИНЛАНИШИ

5.1. Мазкур шартнома асосида ажратилган кредит _____ билан таъминланади.

5.2. Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбурияти (кредит ажратиш) кредитнинг таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилгандан ва у Банк томонидан олингандан сўнг кучга киради.

6. ТОМОНЛАРNING ЖАВОБГАРЛИГИ

Коррупцион ҳолатлар бўйича маълумот бериш учун QR кодни сканерланг

Имзо _____

Имзо _____



6.1. Қарз олувчи томонидан асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредит), Қарз олувчи Банкка бутун кечиктирилган давр учун шартномада белгиланган фоиз ставкасининг **1,5 баравар** оширилган миқдорида юқори фоиз тўлайди.

6.2. Банк томонидан кредит маблағини ажратиш кечиктирилганида, Банк Қарз олувчига кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг **0,1 фоизи** миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоиздан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Фоизларни белгиланган муддатда тўламаганлиги ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун қарздор Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг **0,1%и** миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 %идан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Томонларнинг жарима ёки пенялар тўлаши тарафларни шартнома шартларини бажариш мажбуриятидан озод қилмайди.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Томонлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларни музокара ва маслаҳатлар йўли билан ҳал қиладилар.

7.2. Низоларни судгача ҳал қилишда талабнома юбориш тартибига амал қилинади. Қарз олувчи (қўшимча қарздор, кафил) кредит шартномаси бўйича кредитнинг асосий суммасини қайтариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, Банк Қарз олувчининг банкка маълум бўлган манзилига почта орқали (ёки мавжуд электрон манзилига) низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини юборади.

Банк кредит шартномаси бўйича муддатида тўланмаган қарздорлик мавжудлиги ҳақидаги талабномани кредит таъминоти эгаларига, кафил ва қўшимча қарздорларга ҳам юбориши мумкин.

Банк йўллайдиган талабномада банк номи ва уни идентификациялаш учун етарли маълумотлар, талабнома расмийлаштирилган санадаги жорий қарзи миқдори ва таркиби, қарзни тўлаш муддати 10 (ўн) кун, талабномада кўрсатилган муддатгача истеъмоли ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари, кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун неустойка (жарима, пеня) қўлланилиши ва уларнинг натижасида истеъмоличининг харажатлари суммаси ошиши эҳтимолини билдириб, низони судгача ҳал қилиш бўйича банкка мурожаат қилиш лозимлиги кўрсатилади.

Талабнома юборилган (почтага топширилган) кундан бошлаб 10 кун ичида Қарз олувчи (қўшимча қарздор, кафил) унда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, Банк тегишли талаб билан судга даъво ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Бунда Банк талабномадаги суммани ёки ўз танловига кўра даъво ариза расмийлаштирилаётган санадаги мавжуд қарздорликларни ундириш бўйича судга даъво ариза (ариза) киритишга ҳақли бўлади.

7.3. Агарда кўрсатиб ўтилган келишмовчилик ва низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан шартнома имзоланган (БХО/БХМ) жойлашган жойдаги судда кўриб чиқилади.

8.ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиб ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар.

Бунда тарафларнинг ҳеч бири, ажратилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятдан ташқари, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

8.2. Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, бўрон, ер қўчқиси, эпидемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари, ҳукумат ва давлат органларининг ақтлари.



8.3. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида зудлик билан ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

8.4. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкӣ ҳарактердаги хизматлар, бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш., рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

9.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишни таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини қафолатлайди.

9.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш кuni ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

Ёзма хабарномалар “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан ташкил этилган жисмоний ва юридик шахслар учун коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс ишонч линияси” каналлари (тел:78 150-59-95, веб сайт www.brb.uz, Telegram мессенжер @BRB_ANTIKOR_BOT (email: antikor@brb.uz) орқали амалга оширилади.

9.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

9.5. Мазкур шартномани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

10.2. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади.

Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонлар имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

10.3. Ушбу шартнома бекор қилинишида Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни тўлиқ қайтариши шарт.

10.4. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

10.5. Томонларнинг манзиллари ўзгарган ҳолларда 10 кун муддат ичида албатта бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Коррупцион ҳолатлар бўйича маълумот бериш учун QR кодни сканерланг

Имзо _____

Имзо _____



10.6. Қарз оловчи, жисмоний шахсга таллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган ахборотларни/маълумотларни Банк томонидан учинчи шасларга берилишига ёки улардан фойдаланишига ўз розилигини беради.

10.7. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир хил юридик кучга эга бўлган _____ нусхада (_____ варақда) тузилди.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Банк	Қарз оловчи
Манзил:	Манзил:
СТИР:	Паспорт маълумотлари:
	Телефон:
<i>(Лавозим, Ф.И.Ш., имзо)</i> М.Ў. «__» _____ 20__ й.	_____ <i>(Ф.И.Ш., имзоси)</i> «__» _____ 20__ й.

Коррупцион ҳолатлар бўйича маълумот бериш учун QR кодни сканерланг

Имзо _____

Имзо _____

